
"Маҳаллабай" ишлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5033-сонли қарори мазмун-моҳияти, қарорда берилган имтиёз ва имкониятларни Риштон тумани аҳолисига тарғибот қилиш бўйича Риштон туманидаги 69 та маҳаллаларни қамраб олувчи жорий йилнинг 30 март кунги Фарғона вилояти ҳокими Х.Бозоров томонидан тасдиқланган “Маҳаллабай” режа-жадвал ишлаб чиқилди. Режага асосан, Фарғона вилояти Адлия бошқармаси, “Хунарманд” уюшмаси, “Ўзсаноатқурилишбанк” вилоят бўлимлари ҳамда Риштон туман ҳокимлиги ва маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими билан биргаликда қарорнинг тарғиботи 5 апрель кунидан бошланди. Биринчи кун масъуллар “Боғистон”, “Доруломон”, “Даҳбед”, “Минор”, “Марказ” номли маҳаллаларда бўлиб, фуқаролар билан учрашдилар. Уларга кулолларга яратилган имкониятлар, субсидиялар, имтиёзли кредитлар, 2021-2023 йилларда қурилиши мўлжалланган кулоллар учун “Хунармандчилик марказ”лари ҳақида атрофлича тушунтирдилар.

2021-04-07 06:34:08